



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 9 январь, № 6 (5936)

Пайшанба

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛ

Давлатимиз раҳбари пойтахтимиз мезбонлик қилган Осие кўш энергияси Форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқда қайта тикланувчи энергия манбалари илмий-техник тараққийнинг янги босқичига олиб келиши, кўш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкинлиги ва зарурлигини таъкидлаган эди.



Бактиёр АҚРАМОВ олинган сурат.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Шубҳасиз, мазкур халқаро форум мамлакатимизда муқобил, биринчи навбатда, кўш энергетикасини янада ривожлантириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга янги турткидир. Бинобарин, мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги бир қатор олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежларида кўш энергетикаси мутахассислари тайёрланапти. Зеро, республикамизда таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни воғга етказиш, фан ва техниканинг илғор марраларини эгаллаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шуларга уйғун тарзда бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун етук кадрлар етказиб бериш сифатини юксалтириш мақсадида олий ўқув юртининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Улар замонавий

ўқув ва илмий-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Пировардида фан ва таълим интеграцияси янада кучайиб,

талабалар тажрибали устозлари кўл остида ўқинишнинг дастлабки йилларидан бошлаб жиҳдий илмий тадқиқотлар олиб боришаё-

тир. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, диёримиздаги 14 та олий ўқув муассасасида 15 та илмий тадқиқот

лабораторияси ташкил этилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 3-бетда).

ЭЪТИРОФ

Бельгиянинг Лювен шаҳрида жойлашган "Brabant Hall" кўргазмалар марказида ҳар йили уюштирилаётган аънавий оммавий сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Етакчи туроператорларидан бири — "Hobo Reisen" сайёҳлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакати ўзининг сайёҳлик салоҳиятини намойиш этди.

Адри Готц:

«Ўзбекистонга борадиган европалик сайёҳларнинг сони 2014 йили янада ошади»

Ушбу халқаро сайёҳлик анжуманида Ўзбекистон Республикаси бўлмаси мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил қилинди. Аънавий миллий услубда безатилган юртимиз бўлмаси ярмарка катнашчилари ва меҳмонларнинг эътиборини ўзига тортиб турди.

Республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти, ўлкамиз тарихий-маданий обидаларини ўз ичига олувчи қизиқарли саёҳат йўналишлари тўғрисида француз ва инглиз тилларида ҳикоя қиладиган маълумотлар анжуман иштирокчилари ҳамда унинг меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Шу ўринда пештахталардан жой олган ўзбек халқ амалии санъати маҳсулотларига алоҳида эътибор қаратилганини қайд

этиш жоиздир. Бенилюкс мамлакатларининг вакиллари томонидан 2014 йили ўлкамиз бўйлаб саёҳатга чиқиш юзасидан билдирилган муносабатлар мамлакатимизнинг мазкур кўргазмадаги иштироки натижаларидан бири бўлди.

"Hobo Reisen" компанияси президенти Адри Готц "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида қайд этганидек, европаликларнинг Ўзбекистонга сайёҳат қилиши тобора ошиб бораётир. "Чунки Ўзбекистон нафақат бой тарихий меросга эга, балки у Марказий Осиёнинг энг раванқ топган мамлакатларидан бири ҳисобланиши билан ҳам сайёҳларнинг диққатини ўзига тортади", деди у.

(Давоми 2-бетда).

Қалбларда фахр ҳисси



Ватан ҳимоячилари кунини ва Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан жойларда турли анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Байрам олдидан Шарқий ҳарбий округ ҳамда Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ кўмондонлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида телекўприк ташкил этилди. Фарғона ва Қарши шаҳарлари ўртасида бўлиб ўтган ушбу телемулоқотда аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари ҳозир бўлишди.

— Яқинларимиз билан суҳбатлашиш учун яратиб берилган бу имконият айёмга муносиб тўхта бўлди, — дейди Қарши

шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Баҳром Рўзалиев. — Мулоқотимиз чоғида онам "Уканг Хусниддин ҳам сенга ўхшаб аскар бўлмоқчи", дедилар. Бу гапни эшитиб, чин дилдан хурсанд бўлдим. Унга омад тиладим. Ҳақмазимнинг ниятимиз жонажон Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиш, унинг хар қарчи ерини кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш, ҳимоя қилишдир.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида аскарлар оналарини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

— Биз учун она ва Ватан тушунчаси азалдан бамисли қалбимиздаги осмон ва кўш, — дейди оддий аскар Акмалжон Маматов. — Она сиймоси меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин тимсоли бўлса, Ватан — муқаддас, улуг, жон қадар азиз. Шу боис юрт ҳақида ўйлаганда, аввало, кўз ўнгимизда қўлларини дуога олиб турган, мунис ва мўътабар онамиз сиймоси гавдаланади. Фарзанд оқ сук берган, бағрида кўтариб катта қилган ўз меҳрибони олдидан қанчалик қарздор бўлса, Ватани олдидан ҳам ана шундай бурчлидир.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири — оила институтини мустаҳкамлаш орқали жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш ҳисобланади. Зеро, соғлом бола мустаҳкам ва аҳил оилада камол топади. Катталарга ҳурмат, кичикларга izzat, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан ушбу масканда шаклланади.

Соғлом бола — аҳил оила меваси

— Мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш, фарзандларимизни турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш, бу борада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Бугунги кунда Фонд ҳамда унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари томонидан

маҳаллаларда шаклланган миллий урф-одат ва аънаваларни асраб-авайлаш ҳамда уларни ёшлар онгига сингдириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бунинг бир мисолидир. Шу ўринда соғлом бола мустаҳкам оилавий муҳитда улгайишидан амалии чиқиб, маҳаллаларда аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш чоралари кўрилатганини айтиш жоиз. Шу мақсадда фуқаролар йиғинлари томонидан ҳудудлардаги кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликли-

никалар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ўтган йили 131 мингдан ортиқ ёш оилаларнинг тиббий кўриқдан ўтказилишига яқиндан ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган 40 мингдан ортиқ турли тадбирлар уюштирилди. Таълим муассасаларида "Оила — муқаддас даргоҳ", "Тиббий кўриқнинг аҳамияти" мавзуларида ўтказиб келинаётган учрашувлар ва давра суҳбатлари ҳам ўз самарасини бермоқда.

Соғлом бола йилда ишларимиз кўлами янада кенгайди. Бошқача айтсак,

маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, оилаларга кўмаклашиш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда "Ота-оналар университетлари", фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйиш долзарб ҳисобланади. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши оилаларни мустаҳкамлаш ва болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар сифатида тарбиялашда кўл келади. Президентимиз томонидан соғлом бола-нинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улгайиши кўпгина омилларга боғлиқлиги, бу борада маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ўрни катта эканлиги алоҳида эътироф этилиши бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди, десак, айна ҳақиқатдир.

(Давоми 2-бетда).

Хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

Термиз шаҳридаги "Глория мебель сервис" хусусий корхонаси томонидан кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилатган тураржойлар учун эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунёдкорлар буюртмаси асосида

Тадбиркорлар мазкур лойиҳа рўёби учун 240 миллион сўм сармоя йўналтиришди. Ҳозир иш унуми юқори бўлган технологиялар ёрдамида тайёрланаётган сифатли

қурилиш ашёлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Эътиборлиси, янги лойиҳа шарофати билан 40 та иш ўрни яратилди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллада замонавий қулайлик

Мирзаобод туманидаги "Хайдар" массивида "Оқолтин дон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятининг нон корхонаси иш бошлади.

Натижада намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларда яшовчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Ҳозир илғор технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада меҳнат жамоаси томонидан кунига 5 минг донга сифатли нон тайёрланмоқда.

Умуман, кейинги йилларда вилоятдаги намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган аҳоли манзилларида 2 та ана шундай корхона, битта мактаб, битта кишлоқ врачлик пункти ҳамда 4 та гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли алоқа ва тезкорлик

Когон шаҳридаги 2, 10-умумтаълим мактаб-ларига оптик толали алоқа кабеллари ётқизи-либ, ишлаш учун шай ҳолатга келтириб қўйилди. Алоқа сифати ва тезкорлигини ошириш имконини берадиган бундай лойиҳа ҳозиргача вилоятдаги 39 та мактабда татбиқ этилди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

— Автомат телефон станцияларимиз эскиргани боис хизмат сифати талаб даражасида эмас эди, — дейди Когон тумани телекоммуникация боғламаси бошлиги Музаффар Жумаев. — Рақамли телефон станциялари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган технологик янгиланишлар натижасида алоқа сифати ва тезкорлиги ошапти. Кўшимча хизмат турларини жорий этиш имконияти юзага келмоқда. Масалан, оптик толали алоқа кабелларининг ўтказилиши билан даргоҳларда видеоанжуманлар ташкил қилиш, тезкор ахборот алмашиш имконини беради. Бошқача айтганда, дунёнинг нариги чеккаси ҳам бир қадам бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, соҳада кенг қамровли модернизация юмушларининг бажарилиши алоқа тизимида хизмат сифатининг кескин ошishiга олиб келмоқда. Кейинги икки йил ичида "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоғини NGN технологияси асосида модернизациялаш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида Бухоро шаҳрида 11 минг рақамга мўлжалланган 14 та MSAN қурилмаси ўрнатилди. Натижада алоқа сифати кескин яхшиланиб, сервис хизмати кўрсатиш турлари кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

Обод турмуш йили Наманган туманидаги "Асротекстилсаноат" масъулияти чекланган жамияти учун ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришда муҳим давр бўлди.

Уч баробар ўсди

Чунончи, ўзининг икки қаватли замонавий биносини қуриб битказган корхона бир йўла ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш тадбирларини ҳам амалга оширди. Ушбу лойиҳа учун 105,3 минг АҚШ долларлик инвестиция йўналтирилиб, илғор технологик ускуналардан фойдаланила бошланди. Пировардида қувватлар ортиб, 15 та қўшимча иш ўрни яратилди. Бу орада экс-

порт амалиётлари ҳам йўлга қўйилди ва бежирим костюм-шимлар қўшни давлатларга сотилди. — 2013 йилни 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш билан яқунлади, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Тоҳиржон Абдуллаев. — Бу аввалги йилдагига нисбатан уч баробар юқори кўрсаткичдир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом бола — аҳил оила меваси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотига кўра, ҳозир республика-миздаги 8891 фуқаролар йиғинида “Ота-оналар университетлари” мавжуд бўлиб, улар фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ўтган йили Фонд томонидан 140 минг нусхада “Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги роли”, “Ота-оналар университетларининг мақсад ва вазифалари” мавзuida буклет ҳамда плакатлар тайёрланиб, маҳаллаларга етказиб берилди. Айни чоғда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар, хусусан, ҳомилалар аёллар ўртасида микронутриент етишмаслиги, фоллий кислотали поливитаминлар қабул қилинишининг аҳамияти хусусида 287 та ўқув-семинар, 24 мингдан зиёд давра сўхбати ва учрашувлар ташкил этилди.

— Худудимизда 4 та қишлоқ бўлиб, уларда 1224 та оила мавжуд, — дейди Фаллаорол туманидаги “Булоқбоши” қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шахринисо Каримова. — Аҳоли сони 8 минг нафардан ортиқ. Уларнинг муносиб ҳаёт кечириши

учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Ҳозир 6 та умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 10 дан зиёд турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари уларнинг ихтиёрида.

Ўз фаолиятимизда ўғил-қизларимизни турли тўғаракларга жалб этишга алоҳида эътибор бераямиз. Масалан, гимнастика, кураш, шахмат-шашка, футбол тўғараклари мунтазам ишлаб турибди. Биргина гимнастикага қатнаётган қизалоқлар сони 100 нафарга яқинлашиб қолди.

Асосий вазифаларимиздан яна бири, шубҳасиз, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтиришдан, хусусан, оилавий ажралишлар ва эрта никоҳларнинг олдини олишдан иборатдир. Бу хайрли ишга худудимиздаги энг намуналий оилалар вакиллари, маҳаллалар фаоллари ҳамда турли касб эгалари жалб этилаётгани кўл келмоқда. Ўтган йилда ажрасмоқчи бўлаётган 4 та оилани яраштиришга эришдик. Бугун уларнинг иноқ яшаётганлигини кўриб, қилган ишимиздан ўзимизда йўқ сезинамиз.

Жорий йилда амалга оширадиган ишлар режасини ҳам белгилаб олдик. Бунда, айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг за-

монавий билим ҳамда касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳлар, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ҳамда тартибли ўтказиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз худудимизда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш билан боғлиқ фаолиятимизни янада кучайтирамиз.

— Президентимиз маърузасини телевизор орқали мароқ билан тингладим, — дейди Кармана туманидаги “Варқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Жабборов. — Айниқса, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла

Дарҳақиқат, оилалар мустақамлигини таъминлаш, шунингдек, соғлом болани камолга етказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улардаги жамоатчилик комиссияларини алоҳида ўрни бор. Шу маънода, уларнинг фаолиятини кучайтириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳар биримиздан юксак билим ва малакани ҳамда ташаббускорликни талаб этади. Зеро, оилалар мустақам ва аҳил булар экан, бундай муҳитда улғайган фарзандларимиз, албатта, юртим, Ватаним, дейдиган инсонлар бўлиб камолга етадилар.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Соғлом бола йилининг дастлабки кунларида Тахтақўпир туманидаги 16-умумтаълим мактаби қошида замонавий спорт зали курилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 347 миллион сумлик маблағи эвазига молиялаштирилди.

● Андижон туманидаги Хақан қишлоғида “Хаканшифо” хусусий давлолаш клиникаси фаолият кўрсата бошлади. Терапия, неврология, кардиология, физиотерапия каби бўлимлардан иборат шифохонадаги замонавий тиббий ускуналар турли хасталикларни олдиндан аниқлаш ва самарали даволаш имконини бермоқда.

● Узун туманидаги нон ва кандалотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Меҳроҳ” хусусий корхонасида тикувчилик цехи ҳам ишга туширилди. Япониянинг илгор тикув машиналари билан жиҳозланган мазкур корхона фойдаланишга топширилди билан 10 га яқин кўшимча иш ўрни яратилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Сурхон АСПОНОВ (ўса) олган сурат.

Қалбларда фахр ҳисси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир доирасида Навоий ва Хоразм вилоятлари ўртасида телекўприк бўлиб ўтди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳамда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ўртасида ташкил қилинган телемулоқотда аскарлар ва уларнинг ота-оналари дийдорлашди. — Ўғлим Жаҳонгир Жалилов Хоразм вилоятида йигитлик бурчини ўтамоқда, — дейди навоийлик Дилшода Нормўминова. — Телемулоқотда иштирок этиб, ҳарбий хизматчиларга яратиб берилган шарт-шароитлар, имкониятларни ўз кўзим билан кўрдим. Фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан камолга етаётгани, Ватан химоясига муносиб ҳисса қўшишга интилаётгани, албатта, биз, оналарни нафақат қувонтиради, балки гурур ва ифтихор туйғуларини бағишлайди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, вилоятдаги 534 та умумтаълим мактаби “ZiyoNet” ахборот порталига уланди. Бундан ташқари, маҳаллий телефон тармоғи орқали интерактив телевидение, яъни IPTV хизматларига уланиш имкониятлари яратилди. Бугунги кунда 268 нафар миқоз мазкур хизмат туридан фойдаланмоқда. Қолаверса, 23 та қишлоқ телефон станцияларининг боғловчи линиялари оптик толали алоқа кабеллари билан алмаштирилди. Бу ҳам аҳолига янада қулайлик

Сифатли алоқа ва тезкорлик

туғдирди. 19 та қишлоқ телефон станцияларига DSLAM қурилмалари ўрнатилди эса 19 мингдан зиёд миқозга симли алоқа линиялари орқали интернет тармоғига уланиш имкониятини берди. Натijaда вилоятда телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш даражаси юз фоизга етди.

Бухоро шаҳридаги 750 та хонадонга FTTB технологияси асосида кенг polosали хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани ҳам модернизация тадбирлари самарасидир. Бунинг учун беш километрдан зиёд масофага оптик толали кабель ётқизилди. Шунингдек, “Узобайл” филиалининг CDMA — 450 стандартидаги EV-DO технологияси асосида 8 та янги база станцияси ўрнатилди. 13 та база станцияси модернизация қилинди. 60 минг абонентга портли коммутиатор ҳам ўрнатилди. Натijaда вилоятнинг барча худудидида симсиз алоқа ва юқори тезликдаги интернетга уланиш имконияти юзага келди.

— Баъзан хизмат юзасидан вилоят марказидан 200 километр олдидида Жонгелди аҳоли масканига кўнгирок қилишимизга тўғри келади, — дейди пешкулик З. Курбонова. — Керакли абонент билан бир зумда боғланиб, ишимизни битирамиз. Алоқа сифати яхши. Кейинги йилларда чиндан ҳам алоқа соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ошди. Бундан хурсандимиз...

Дарвоқе, бугунги кунда вилоятнинг Қизилравот, Учқир, Жонгелди сингари энг чекка масканларида ҳам сифатли телефон алоқаси ва интернет хизматларидан фойдаланиш учун шарт-шароит мавжуд. Буларнинг бари соҳадаги истиқболлий лойиҳалар самарасидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Адри Готц:

«Ўзбекистонга борадиган европалик сайёҳларнинг сони 2014 йили янада ошади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

А. Готц ўзи раҳбарлик қилаётган компания томонидан 2013 йили бельгиялик сайёҳлар учун Ўзбекистон бўйлаб тўртта йирик саёҳат дастури ташкил этилганини билдирди. “Улар ватанларига қайтганларидан сўнг “Hobo Reisen” компаниясига ўзларининг самимий миннатдорликларини изҳор этишгани баробарида, Ўзбекистонда бебаҳо маданий-тарихий ёдгориликларини авайлаб-асрашга давлат томонидан қатъий эътибор қаратилаётгани ҳамда юртингизда сайёҳларга кўрсатиладиган хизматларнинг юқори даражада эканлигини эътироф этишди”, деди “Hobo Reisen” президенти.

Адри Готцнинг ишонч билан айтишича, туризм саноати жадал ривожланаётган Ўзбекистонга борадиган европалик сайёҳларнинг сони 2014 йили янада ошади.

Сайёҳлик индустрияси бўйича мутахассис Франс Де Скривер Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганини маълум қилар экан, мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлари ўзидан унутилмас хотиралар қолдирганини алоҳида таъкидлади. — Буюк Ипак йўлининг марваридлари — Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари бебаҳо тарихий шаҳарларининг нафақат ўзбек халқининг миллий бойлиги ва фахри, балки улар дунё маданияти ганжинасига қирадиган умумжаҳон тарихий меросининг муҳим бир қисми ҳамдир, — деди Франс Де Скривер.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Лювенда бўлиб ўтган мазкур сайёҳлик анжумани европаликларда Буюк Ипак йўли халқлари тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари билан танишишга нисбатан сўнмас қизиқишининг мавжуд эканлигини намоян этди. Бу кўхна йўлда жойлашган афсонавий Ўзбекистон эса, шубҳасиз, алоҳида ўрин тутади.

«Жаҳон» АА.
Бельгия

СУРУР

Яқин орада “Тошкент — Чорбоғ” автомобиль йўлидан ўтган бўлсангиз, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида қурилган кўркам ҳовли-жойларга кўзингиз тушгандир? Обод турмуш йилида ана шу уйлардан бирига кўчиб ўтдик.

Бахтиёрлик шукуҳи

Яна денг, массивимизда бир йўла ҳавас қилса арзигулик инфратузилма ҳам юзага келди. Тўй ва маросимлар уйдан тортиб, новвой-хонагача, тиббиёт пунктидан тортиб, табиий ва сунъий қопламали спорт майдонларигача муҳайё этилди. Йўлла-

римиз кенг ва раво бўлди. Қишлоқ жойда шундай сўлим истироҳат боғи, замонавий саёвдо ва маиший хизмат шохобчалари бунёд бўлганини айтмайсизми?! Мақтангайтиши демангу хонадонларимиздаги шарт-шароитларга хатто шаҳарлик бекалар

ҳам ҳавас қилишлари турган гап.

Бир кўриб ўтайлик, десангиз, дарвозамиз ҳаммиша очик. “Истиклол” деб ном олган янги массивдаги тўққизинчи уй — бизники.

Зиёда АБДУЛЛАЕВА.
Юқори Чирчиқ тумани,
«Истиклол» массиви

Рағбат ва масъулият

Йигирма йилдан буён “Ўзгеобурғунейтгаз” акциядорлик компаниясининг “Сурхон пармалаш ишлари” очик акциядорлик жамиятида “Краз-трейлер” ҳайдовчиси бўлиб ишлайман.

Жамоамизда салкам 400 нафар киши меҳнат қилади. Улар воҳамизнинг Миршоди, Янги Қоратепя, Оқжарсой, Чунагар, Шўртан, Ховдак, Сайхон кудуқларида қидирув ишларини олиб боришмоқда. Бурғулаш минораси ва ускуналарини техникалар юриши мушкул бўлган адириклардан янги конларга олиб ўтишдек вазифа зиммамизда. Ишим оғир бўлса-да, иқтисодиётимиз учун зарур нефть конларини излаб топишдек масъулиятли ва шарафли юмушга ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан фахрланаман.

Поёнига етган йил бир урм хотирамда ўчмас из қолдирди. Чунки мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига асосан, “Шўҳрат” медали билан тақдирландим. Камтарона меҳнатимга берилган бу юксак баҳодан ниҳоятда руҳланиб, келгусида янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга астойдил бел боғлаганман.

Раъшан ЖУМАЕВ,
Кумқўрғон туманидаги
«Сурхон пармалаш ишлари»
очик акциядорлик жамияти
ҳайдовчиси.

КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

транспорт-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади

Бугун ҳаётимизни транспорт-коммуникация тармоқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, кенг ва раво йўллар, мустақам кўприклар манзилсимизни яқин, мушкулсимизни осон қилади. Қолаверса, иқтисодиётимиз ривожига ҳам ана шу тармоқ равнақи билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда транспорт-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг амалий самараси нафақат шахар ёки туман марказлари, балки чекка ва олис қишлоқларда ҳам кўзга яққол ташланаёттир.

ИСЛОҲОТ



Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда худудда жами километр узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 168 километри халқаро, 1431 километри давлат ҳамда 1001 километри маҳаллий аҳамиятга моликдир. Хўжаликлараро ички йўллар эса 3012 километрни ташкил этади. Айни пайтда уларни сақлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда қайта қуриш борасида вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, “Алмати — Бишкек — Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз” автомагистралининг 98 километри вилоят худудини кесиб ўтади. Жорий йилда мазкур йўлнинг 51 километрида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари якунланади. Хусусан, шу пайтгача белгиланган масофанинг оралиғида бош пудратчи “Чинозўйлиндустрия” корхонаси томонидан 13 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилиб, 10,6 километр йўлнинг пастки ва устки қатламларига тўлиқ асфальт-бетон ётқизиш бўлинди.

сел хавфи ҳисобга олинми, ердан 87 сантиметргача кўтарилди. Унинг остига сув ўтказувчи махсус қувурлар ётқизилди. Айни пайтда пиёдалар йўлагини қуриш, йўл белгилари ҳамда тунги ёриткичлар ўрнатиш каби юмушлар давом эттириляпти.

Бундан ташқари, “Жиззах” махсус индустриал зонасига олиб борувчи автомобиль йўлларида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҳам бажарилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш кераки, йўл қурилиш ишларининг жадал



боришида ўз вақтида битум махсулотлари захираси яратилиши ва ишга яроқсиз ҳолга келган техникларнинг зарур эҳтиёт қисмлари билан таъминланиши асосий омил бўлмоқда. Пировардида мавжуд асфальт ишлаб чиқариш корхоналарининг тўхтовсиз фаолият юритиши таъминланиб, пудратчиларга зарур қурилиш махсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Шу кунларда йўлсозлар ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни сийдиқидилдан адо этиб, юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатида. Зотан, юрт ободлиги — турмуш фаровонлигининг муҳим мезонидир.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Европанинг Атлантика океани соҳилларида яқин давлатларида сув тошқинлари юз бериш хавфи тобора ортмоқда, дейилади "Евроњьюс" телеканалда хабарларида.

Тошқин хавфи



Испанияда табиий офат туфайли уч кишининг бедарак йўқолгани айтилимоқда. Португалиянинг эса шимолӣ ва марказӣ қисмлари тошқин гирдобиди қолди. Мазкур ҳудудларда яшовчи маҳаллий аҳоли вакиллари уйлари ва вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлишмоқда. Лиссабон кўчаларини сув босган. Соҳилга яқин ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Қаердан келгани номаълум

Германиянинг "Альди" супермаркетлар тармоғига қарашли бешта савдо мажмуасига катта миқдорда кокаин гиёҳвандлик моддаси олиб келинди.

Супермаркетларга келтирилган банан солинган қутилар ичидан 140 килограмм оғирликдаги гиёҳвандлик моддаси чиққан. Умумий қиймати беш миллион еврога тенг бўлган "заҳри қотил" "Альди" дўконлари қандай келиб қолгани ҳақида маълумотлар йўқ. Воқеа юзасидан ҳуқуқ-тартибот идоралари текширув олиб бормоқда.

Хусусий банклар иш бошлайди

Жорий йил Хитойда илк бор хусусий банклар фаолияти йўлга қўйилади.



га тегишли ҳисобланарди. Аммо ўтган йилнинг охирида мамлакат иқтисодиёт тизимида бир қатор ислохотлар ўтказилиши билдирилиб, бу жараёнда хусусий банклар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилаётгани маълум қилинди. Шу боис жорий йилда бешта ана шундай молия муассасаси иш бошлаши режалаштирилди.

Яна пешқадам бўлди

АҚШлик гольфчи Тайгер Вудс жаҳоннинг энг бой спортчилари рўйхатида яна биринчи погонани банд этди.

"ESPN" телеканали хабарига кўра, ҳозирги кунга келиб унинг умумий сармоясига 1,3 миллиард АҚШ доллари етган. Тайгер бу маблағнинг 88 фоизини реклама шартномалари орқасидан тўплаган. Қолган қисми эса мусобақаларда гольф чиққани учун берилган мукофот пуллари ҳисобланади.

Мисол учун, 2013 йилда спортчи галабалари эвазига 12 миллион реклама шартномалари ортидан эса 71 миллион АҚШ доллари тўплаган.

Даромади камайди

"Samsung Electronics" (Жанубий Корея) компаниясининг даромади сўнгги икки йил ичида биринчи марта пасайди.



Яъни ўтган йилнинг сентябрь — декабрь ойларида 5,7 миллиард евро миқдорда маблағ ишлаб олган. Бу 2012 йилнинг ўртача чорагидаги кўрсаткичдан 200 миллион евро камдир.

Изоҳлашчи, даромаднинг камайиши компания замонавий мобил алоқа воситалари — смартфонлар ишлаб чиқаришга катта маблағ йўналтирилгани билан боғлиқ экан. Чунки "Samsung Electronics" АҚШнинг "Apple" компаниясининг рақобатини бой бермаслик учун ўз смартфонларини янада такомиллаштириш устида изланишлар олиб бормоқда. Ўтган йили савдога чиқарилган "Galaxy S4" бу ишларнинг маҳсулидир. Компания 2013 йилнинг сўнгги уч ойида айнан шу моделдаги телефонлардан 14 миллион донга сотишга муваффақ бўлган.

Поезд ҳалокатга учради

Канаданинг Нью-Брансуик музофотидаги Пластер Рок шаҳарчаси фуқаролари эвакуация қилинди.

Бунга мазкур аҳоли яшаш пункти яқинида поездининг изидан чиқиб кетгани сабаб бўлди. Фалокат оқибатида унинг барча вагонлари ағана кетган.

Манбада қурбонлар ва жароҳат олганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Шунингдек, ҳалокатга йўлиққан транспорт воситаси йўловчи ёки юк поезди эканлиги ҳам номаълум.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жумладан, 2011 йилда Тошкент давлат техника университетининг қошида "Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари" илмий тадқиқот лабораторияси ўз фаолиятини бошлади.

Бугун мазкур таълим даргоҳининг Энергетика факультети талабалари учун "муқобил энергия манбалари" қандайдир мавжуд назария элементлари эмас, балки мавжуд ҳаёт реаллигидир. Шундоқгина ўқув корпуси яқинида иккита шомол қурилмаси ва кўёш коллектори тўхтовсиз ишлаб турибди. Уларнинг кўриниши ҳамда дизайни замонавий турилишига эга. Бу ерда тахсил олаётганларнинг ҳар бири ушбу воситалар қандай ишлаши, энергияни қай йўл билан тўплаши, уларнинг қуввати ёрдамида бутун лабораторияда энергия тежамкорлик содир бўлаётгани ҳақида сўзлаб беради. Уша тарафларга ташриф буюрсангиз, сиз ҳам табиий энергия кўмағида чироқ ёниб тургани, ўқув тابلоси, ўлчашчилар ва бошқа мураккаб ускуналар ишлаётганига гувоҳ бўласиз.

Умуман олганда, бугун нафа-

қат талабалар ёки ўқитувчилар, балки ҳар ким МЭМнинг устун жиҳатларига аниқ мисоллар асосида ишонч ҳосил қилиши мумкин — кўёш порлаб турибди, шомол эсмоқда ва уларнинг шарофати билан лабораториядаги қурилмалару жиҳозлар

Хозир ТДТУ энергетика факультети ўқув биносидан лаборатория учун умумий майдони 615 квадрат метрга тенг 10 та хона ажратилган. "Ўзбекэнерго" ДАКнинг техник кўмағи асосида қуввати 10 кВтдан юқори бўлган электр қуввати олиш учун кўёш

Қўлга киритилаётган натижаларни ёритиш учун эса илмий журнал ташкил этилган. Ўз навбатида, хорижий олимлар билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган.

Шу ўринда профессор Баҳодир Хонов энергетика факультети талабалари билан биргаликда

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛ

хизматда. Ҳаммаси кўринарли, ишончли ва қайта тикланувчи энергия манбалари афзаликлари ортиқча исботлашга ҳожат йўқ.

— Ушбу лабораториянинг ташкил этилишидан асосий мақсад муқобил энергия манбалари, энергетика экологияси каби илғор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашдир, — дейди унинг мудирини Давлатбек Рисмухамедов. — Бизда, шунингдек, "Ўзбекэнерго" ДАК ходимлари ҳам малакасини оширадилар.

ўзгарткичлари ва шомол қурилмаларидан тортиб, энг илғор ускуналар ўрнатилган. Ҳуллас, бу ерда етакчи олимлар қаторида ёшлар ҳам фаол илмий изланишлар билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Улар лабораторияда давлат бюджетидан молиялаштирилган иккита фундаменталь, тўртта амалий ва иккита инновацион лойиҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Қайд этиш керакки, 2012 йилда ТДТУда буюртмалар асосида умумий қиймати 3 млрд. сўмлик юздан ортиқ илмий-амалий ишлар бажарилди.

ясаган мобил, ихчам кўёш электростанцияси ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бу қурилма ёрдамида чироқ ёқиш, радио эшитиш мумкин.

— Ушбу ускунани яратиш учун 200 минг сўм атрофида маблағ сарфланди, — дейди Б. Хонов. — Агар уни саннат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, бу нарх янада арзонлашади. Мазкур митти станция мактаблар, боғчаларга ўрнатилса, ўз вази-фасини бажариши қаторида, навқирон авлод онгида экологик маданиятни шакллантиришда ҳам асқотади.

Энергетика факультетининг ўз

кўргазма зали бор. У ерда "Электроника ва микроэлектроника" кафедраси олимлари ҳамда талабалар томонидан яратилган кўёш ўзгарткичлари, кўёш панеллари, индивидуал фойдаланиш учун электростанцияларни томоша қилиш. Шулар қаторида кўёш печи ҳам эътиборингизни тортди. Чунки унинг ёрдамида органик ёқилгисиз сув иситиш, таом тайёрлаш мумкин. Бу эса чекка ҳудудлар аҳолиси ва мавсумий ишларда қўл келиши табиий.

— Давлатимиз раҳбарининг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳаётимизга ноанъанавий энергетикани янада чуқур татбиқ этишда дастуриламалдир, — дейди ТДТУ энергетика факультети декани Анвар Аллимов. — Илмий янгиликлар ва тажриба ишланмаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда кенг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда эса юқори малакали мутахассисларнинг ўрни катта. Шу йўлда университетимиз камарбаста бўлиб келаётгани биз учун катта шараф ва юксак масъулиятдир.

С. ҚОСИМЖОНОВ.

Реклама ўрнида

Эълон

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси жамоаси ҳамюртларимизни кириб келган Янги йил байрами билан самимий табриклайди! 2014 йил сизларга бахт-иқбол, хонадонингизга файзу барака, юртимизга фаровонлик олиб келсин, ҳар биримизга кўтаринкилик, битмас-туганмас бунёдкорлик илҳомини баҳи этсин! Байрамнингиз муқорак бўлсин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси 2014 йил Умра ва Ҳаж мавсумларида зиёратчиларга камзул тикиб бериш учун тендер ўтказилишини эълон қилади. Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Таклифлар 2014 йил 15 январьгача қабул қилинади. Маълумот учун телефон: (+99871) 240-18-58.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Мичурин дала-ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терраса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёзги ошхонадан иборат 67-сонли дала-ҳовли такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 114 753 892 сўм 50 тийин. Аукцион савдоси 2014 йил 27 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 24 январь куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ кўйидаги хизматларни кўрсатиш ва маҳсулотлар хариди бўйича 2014 йил учун танлов эълон қилади. Хизмат кўрсатиш — маиший-ҳўжалик, компьютер, нусха кўчириш техникалари, электр (музлаткичлар, ўт ўриш машиналари ва бошқалар) жиҳозлар, ветеринария (дезинфекция, дезинфекция, дератизация) тадбирлари, рентген ва лаборатория ускуналарига. Сотиб олиш: озиқ-овқат маҳсулотлари (2-даражали гўшт, сабзавот, ёғ, туз, сут маҳсулотлари ва бошқалар); маиший-ҳўжалик (тозалаш ва ювиш маҳсулотлари, супурги, боғдорчилик ускуналари), қурилиш (арматура, кафел, ёғоч ва бошқалар) ҳамда канцелярия (офис қоғозлари ва бошқалар) моллари; «Nexia», «Damas», «Matiz», «YAZ», «Isuzu», «Otoyol» автотранспорт воситалари, «ВУ-304» русумли мини-трактор учун эҳтиёт қисмлар; кинолоғлар учун махсус кийим-бош (камуфляж ва бошқалар); немис овчаркаси, Шарқий Европа овчаркаси, рус спаниели, инглиз кокер спаниели ва лабдор зотли 8 ойдан 2 ёшгача бўлган итлар; махсус анжомлар, хизмат итларини сақлаш ва машқ ўтказиш анжомлари; хизмат итларини парваришлаш анжомлари; турли мебель анжомлари; компьютер ва бошқа техника воситалари; темир сейфлар; эскалатор ўрнатиш. Тижорат таклифлари кўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Кипчок 2-тор кўчаси, 9-уй. Телефонлар: (8-371) 257-84-02, 258-63-22, 257-56-07, 257-75-99.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади. 1. Аукцион савдосига Узун тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1938-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, «Хонжиза» фермер хўжалиқлари уюшмаси, Хўжаасмин қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2000,0 кв.м. бўлган, 1990 йилда қурилган, 1 қаватли, 6 хонадан иборат уй-жой биноси такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 65 801 000 сўм. 2. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 августдаги 19-1108/18529-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 93-уйда жойлашган, «Техсервис-таъминот» МЧЖга тегишли, умумий майдони 126,54 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 7 хонадан иборат, А литердаги маъмурий бино такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 46 955 000 сўм. 3. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 24 октябрдаги 1-3429-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчаси, 134-уйда жойлашган, умумий майдони 458,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 1997 йилда қурилган уй-жой такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 28 000 000 сўм. 4. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 6 майдаги 19-1107/4956-сонли ва 2012 йил 25 мартдаги 19-1203/3987-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Музработ тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Жартена қишлоғида жойлашган, «Фишт заводи» МЧЖга тегишли, умумий майдони 577,60 кв.м. бўлган, 2 қаватли, А литердаги уй-жой такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 210 088 384,60 сўм. 5. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 6 майдаги 19-1107/4956-сонли ва 2012 йил 25 мартдаги 19-1203/3987-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Музработ тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Жартена қишлоғида жойлашган, «Фишт заводи» МЧЖга тегишли, умумий майдони 191,42 кв.м. бўлган, 2 қаватли, Б литердаги уй-жой такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 81 619 209, 15 сўм. 6. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 июлдаги 19-1307/7528-сонли ва 2012 йил 26 декабрдаги 19-1208/19782-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Музработ тумани, Собиробод қишлоғида жойлашган, «Хунар шаҳар» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 2000,0 кв.м. бўлган, 1994 йилда қурилган, 1 қаватли маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 74 247 903,90 сўм. 7. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 февралдаги 19-1307/984-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, Қумқишлоқ қишлоғи марказида жойлашган, «Жайхун» сув истеъмолчилари уюшмасига тегишли, умумий майдони 126,18 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 9 хонадан иборат, А литердаги маъмурий бино қисми такорран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 21 840 843 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 27 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 24 январь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519. Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz Лицензия: RR-0001.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси «Ахборот» информацион дастурлар бoш муҳарририни телерадиотелеоператори Садриддин Зиёмухамедовга волидан муҳтарамаси НАЗИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таззия иҳдор этди.



«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
очик акциядорлик жамияти
жамоаси

юртдошларимизни

2014 йил
билан табриклайди!

Кириб келган йил, ишонамизки, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз ҳаётининг янада фаровонлашувида янги босқич бўлади.

2014 йил бафтангиз улуғ омад ва Зафарлар йили бўлиб, хушқайфият сизларни асло тарк этмасин!



htb
hi-tech bank

ХУСУСИЙ ЁПИҚ
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
БАНКИ —

«HI-TECH BANK»
жамоаси

Ўзбекистон халқини,
акциядорлари ва мижозларини
Янги йил
билан қутлайди!

Яратувчанлик ва бунёдкорлик завқи билан яшаётган замондошларимизга ҳамиша юртимиз тинч, кўнгил осовишта бўлишини ҳамда оилавий бахт-саодат тилаймиз!



«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ»
ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини

Янги йил
байрами муносабати билан самимий
муборакбод этади!

Ушбу йилда фидойи халқимиз турмуши янада фаровон бўлсин. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга Ватанимиз гуллаб-яшнайсин. Барчага сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида улкан зафарлар тилаймиз!

2014



«Фаровон»

масъулияти чекланган жамияти
шаклидаги савдо-саноат
компанияси жамоаси

ватандошларимизни

Янги – 2014 йил
билан чин дилдан табриклайди!

Барчангизга соғлиқ-омонлик, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатингизда зафарлар ёр бўлсин!

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 352 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўялолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Набатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

